

Эргашева Мохигул Ҳайдаровна

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч

докторанти

95-847-11-25

feruzmurotov@19gmail.com

Аннотация: Мақолада Бегали Қосимовнинг жадидшунос сифатидаги фаолиятига кенг ўрин берилган. Адабиётшуноснинг жадидларга бағишланган фундаментал тадқиқотлари ҳақида фикр юритилган. Олимнинг жадидшунос сифатидаги ўзига хос хусусиятлари белгиланди.

Калит сўзлар: жадид, жадидчилик, тадқиқот, характер, йўналиш, истилоҳ, миллат, миллият, ижтимоий- сиёсий ҳаракат, усули жадид мактаблари, жадидшунос, жадидшунослик.

Аннотация: В статье большое место удалено творчеству Бегали Касымова как историка. Рассказывается о фундаментальных исследованиях литературоведа, посвященных прошлому. Определены специфические характеристики ученого как антиквара.

Ключевые слова: Джадид, джадизм, исследовать, характер, направление, революция, нация, национальность

Annotation: The article focuses on Begali Kasimov's work as a historian. The literary fundamental research on the past is discussed. The unique characteristics of the scientist as an antiquarian were determined.

Keywords: djadid, djadidizm, research, character, revolution, the nation, nationality.

Яхлит ҳодиса ҳисобланган жадидчилик ҳаракатининг ўрганилишига умрининг салкам қирқ йилини бағишлаган олимлардан бири Бегали Қосимовдир. Олим жуда катта иштиёқ билан бу мавзунини тадқиқ этгани у яратган фундаментал тадқиқотлардан билиниб туради. Бегали Қосимов ҳақиқатдан ҳам жадид адабиёти ва унинг вакиллари ҳақида қайнаб ёзди. Нафақат, жадид адабиёти, балки жадидчиликнинг туб моҳияти ҳақида теран мулоҳаза юритди. Олимнинг жадидшунослик ҳақида яратган ишларини ўрганиш таҳлил ва тадқиқ этиш бугунги адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан бири десак адашмаган бўламиз.

Бегали Қосимов энг аввало туғма жадид эди. Шу сабабли ҳам у яратган ишларида аниқ мақсад, мантикий бадий таҳлил, адабий- эстетик талқин тамойили етакчилик қилганлигини кузатиш мумкин. Олим ҳаракатни баҳолаш экан уни ижтимоий- сиёсий, маърифий йўналишда эканлигини исбот этди. Ўзигача, ёки умуман маълум йиллар ҳаракат ҳақидаги мавжуд қарашларга муносиб тарзда жавоб бера олди. “Чор ҳукуматини йўқотиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки, биз жадид мактаби очиш билан савдо ҳизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда ўлтуриб насиё ёзадирғон ҳодимлар етказсак. Бу ишга ақлли одам шу баҳони беришда у ёқ, бу ёқни мулоҳаза қилсун” [1.27] деб таъкидлаган эди 1927 йили Мунавварқори Абдурашидхонов. Салкам 100 йил олдин айтилган мулоҳазаларни Бегали Қосимов ўз тадқиқотларида айнан исботлади. “Жадидчилик оқим эмас, ҳаракат. Ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат. Яқингача ҳам у

маърифатчилик ҳаракати деб келинди. Бу атайлаб қилинган эди. Мақсад жадидчиликнинг доирасини торайтириш, социалистик- коммунистик мафкурадан бошқаси кенг халқ онгини қамраб олиши мумкин эмас, деган сохта тушунчанинг асорати эди.”[2.6] Бегали Қосимов жадидчиликнинг характер йўналишини тўғри идрок этган ҳолда, жадид сўзининг маъносини фақат “янги” ёки “янгилик тарафдори” эмас, балки умуман бошқача моҳият касб этишини тушунтирди. Жадиднинг негизида эса янги тафаккур, янги инсон, янги авлод туришини уқтирди. Бегали Қосимовнинг таъкидича, жадидда худди шу уч муҳим хусусият бирлашган бўлиши лозим.

Туркистонда жадидчилик ўз даврида шу қадар сермазмун ҳаракат қилганки, бундан хатто чор Россияси кўрқувга тушган. Албатта, инсоният яратган тарих ва мазкур тарихдаги ҳодисалар орасида бу ҳеч нарса бўлиши мумкин, аммо, улар учун бу ҳаракат ҳамма нарса ҳаёт ва мамот , жуда катта воқелик эди. Туркистон жадидчилиги ҳам ўз-ўзидан вужудга келгани йўқ. Унинг ҳам пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳалокатига маълум бир сабабларни келтириш мумкин. Энг аввало ҳаракатни илхомлантирган куч бу Кавказ ва Волгабўйидаги жадидчилик деб номланган тараққийпарварлик ҳаракатининг бевосита таъсири ва самараси. Бегали Қосимов бу таъсир ва самарага сабабчи бўлган Исмоилбек Гаспрали ҳақида жуда кўп ёзади. Жадидчиликнинг тамал тоши бўлган жадид мактабларининг Туркистонда очилиши ва фаолиятида ҳам Исмоилбек Гаспралининг ўрни бекиёс. Аммо шуни айтиш керакки, бу мактаблар ўлкада тўлақонли фаолият олиб бора олмади, мавжуд тартиб бунга асло йўл бермади. Қайсидир очилганлари ҳам маълум вақтдан сўнг ўз ишини тўхтатган. Сабаби барчага аён. Бундай мактабларда таҳсил кўрган ўқувчилар мустамлакачи давлатга жуда катта ҳавф ҳисобланган, чунки улар энди “дўконда ўлтуриб насия ёзадирғон ҳодимлар” эмас балки, умуман янги авлод бўлишини Чор Россияси ҳам тўла англаган эди. Бегали Қосимов ҳам мана шу мактаблар ҳақида қиёсий таҳлилларни амалга оширади, бу билангина чегараланмай, чет элларда таҳсил олаётган талабаларнинг тарқалиш географиясини тузиб чиқади, уларнинг миллати, ёши, жинси, кейинги тақдири ҳақидаги маълумотларни синчковлик билан ўрганади. Ўлкадаги мавжуд мусулмон мактаблари, рус- тузем мактабларининг сонини жадид мактаблари билан қиёслаб танқидий муносабат билдиради.

Туркистон ўлкасидаги матбуотнинг вужудга келиши ва унинг шаклланиши жадидчиликнинг ривожига алоҳида ҳисса қўшди. Газета ва журналлар жадидчиликнинг ғоявий асосларига, миллий уйғониш ҳаракатининг кундалик масалаларига эътибор бера бошлади. Жадидчилик мактабдан бошланган ҳамда ундан кейин матбуотга ўтган. Абдулла Авлонийнинг 1924 йил 24- июнь 295- сонли “Туркистон”[2.115] газетасида мўжазгина маълумот тарзидаги мақоласи берилган. Мақола “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” деб номланиб, унда Туркистонда мавжуд 31 та газета ва журналлар ҳақида маълумотлар мавжуд. Шулардан 8 таси журнал, қолгани газеталар бўлиб, уларнинг ҳам умрлари турлича эканлигини Абдулла Авлоний санаб ўтган. Журналларнинг ичида энг кўрками ва маънавий ёқдан бойи “Юрт” журнали эди деб эслайди. Аммо, унинг ҳам иши узоқ давом этмаганидан афсусланади.

Бегали Қосимов ҳам матбуотни жадидлар фаолиятидаги асосий нуқталардан бири сифатида кўради. “Туркистон жадид матбуотининг шаклланишида умумтурк матбуоти, хусусан Кавказ, Волгабўйи, Истанбулда оёққа туриб келаётган ва миллий асосга қурилган муҳим рол ўйнайди” [3.40] эканлигини таъкидлайди. Татар матбуоти ва Туркистонда жадидчилик, кардошлик, ҳамкорлик каби масалаларга алоҳида тўхталиб, инкор қилиб бўлмас далиллар билан давр матбуотига муносабат билдирди.

Туркистон тарихининг энг шонли даври бу жади́дчилик. Айнан мана шу шонли даврнинг бутун масъулиятни ҳис қилиб, уни комплекс тадқиқ қилган олим эса Бегали Қосимовдир. “Домла ўзбек мумтоз адабиёти, жаҳон классиклари, жади́д адабиёти билан ёнма ён яшаб ўтган қадимчилар адабий оламини бафуржа ўрганишни ният қилган эди”. [4.7] деб эслашади устозларимиз.

Хулоса қилинса, Бегали Қосимов умумжади́д адабиётининг йирик олимларидан бири эди. Унинг жади́дшуносликка қўшган ҳиссаси эса тахминан қуйидагича:

a. жади́д истилоҳини тўғри англай олди, ҳарактер- йўналишини белгилаб берди. Мавзунинг ўрганилиши борасида жуда қимматли маълумотларни тақдим эта олди;

b. жади́дчиликнинг тамал тоши бўлган усули жади́д мактаблари ҳақида қиёсий таҳлилларни амалга оширди. Мазкур мактабларнинг географиясини тузиб чиқди;

c. жади́дчиликнинг бонийси Исмоилбек Гаспралини учинчи муаллим деб эътироф этди. У ҳақида талай илмий- тадқиқотлар яратди. “Учинчи муаллим” “Исмоил Гаспринский ва Маҳмудхўжа Бехбудий” “Исмоилбек Гаспрали” “Исмоилбей ва Туркистонда жади́дчилик”; ва бошқалар

d. жади́д матбуоти ва матбуотчилигининг Туркистон жади́дчилигига таъсири ва самарасини тушунтириб берди;

e. жади́д адабиётининг жуда кўплаб ижодкорларини миллатга танитиш йўлидан борди ва бунинг уддасидан чиқа олди. Айнан олимнинг сай –ҳаракатлари ва меҳнатлари эвазига миллат унутган, кези келганда унуттирилган Бехбудий, Сўфизода, Сиддикий Ажзий, Ибрат, Сидкий Хондайликий, Тавалло, кабиларнинг асарлари чоп этирилди. Чўлпон, Авлоний (Абдулла Авлоний номли ўқув қўлланма, Абдулла Авлоний адабий- педагогик портрет ҳам яратган), Фитрат, Юсуф Сарёмий, каби ижодкорларнинг кўпжилдиклари айнан олимнинг меҳнатлари натижасида яратилди;

f. жади́дчиликни комплекс ўрганиш лозимлигини ҳар доим таъкидлади. Бу иш ҳам амалга ошиб турли соҳа вакиллари ҳозиргача жади́дчиликнинг турли қирралари ҳақида илмий тадқиқотлар яратмоқдалар. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, жади́дчилик ҳаракатини ҳеч ким Бегали Қосимовдай кенг миқёсда(комплекс) тадқиқ қилган эмас, бу борада олимни мазкур ишларнинг бошловчиси яъни олимларимиз айтганидай жади́дшуносликнинг қарвонбошиси дейишимизга тўла асос бор.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Миллий уйғониш таҳрир ҳайати И. Қўчқортоев, Б. Қосимов, К. Назаров, У.Долимов, Ш. Ризаев, Ж. Худойбердиев Т., Университет 1993
2. Қосимов Б. Маслакдошлар Т., Шарқ 1994
3. Қосимов Б. Миллий уйғониш Маънавият Т., 2002
4. Жўрақулов У. “Беморлик шарафи мақоласи” “Маънавий ҳаёт” журнали 2022 йил 4 сон
5. Тўполвчи ва нашрга тайёрловчилар Узоқ Жўрақулов, Адиба Қосимова, Шохрух Қосимов Сўнгги жади́д қиссаси Турон Иқбол Т., 2012
6. Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати Маънавият Т., 2011